

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«\_\_\_\_\_» ҚК  
раҳбари

\_\_\_\_\_ 2021 й  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ  
ИНВЕСТИЦИЯСИ ҲИСОБИДАН ҚУРИЛИШ  
АПАЛОВКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН

# БИЗНЕС РЕЖА

Манзил: \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани

Лойиҳа қиймати

1 733 575 АҚШ доллари

Тўғридан-тўғри чет эл  
инвестицияси ҳисобидан

1 700 000 АҚШ доллари

\_\_\_\_\_ – 20\_\_ йил

➤ Тижорат сирини ошкор этмаслик келишуви .....	3
➤ Лойиханинг кискача шархи .....	4
➤ Қурилиш технологияси тўғрисида .....	7
➤ Бизнес лойиханинг тавсифи .....	8
➤ Кириш .....	9
➤ Лойиханинг умумий шархи .....	10
➤ Лойиханинг стратегик мазмуни ва мақсади .....	12
➤ Лойиха асосига куйилган асосий параметрлар.....	14
➤ Лойиха ташаббускори хақида кискача маълумот .....	16
➤ Лойиханинг амалга ошириш графиги .....	18
➤ Ишлаб чиқариш жараёни тавсифи....	19
➤ Ишлаб чиқариш кувватлари .....	21
➤ Ишчи кучи ресурлари ва уларга булган талаб.....	22
➤ Ишчиларга куйиладиган талаб ва кадрлар дастури .....	24
➤ Энергия ресурлари сарфи .....	25
➤ Фаолиятнинг маркетинг тахлили .....	27
➤ Бозор шароитининг тахлили.....	29
➤ Талаб ва таклиф, нарх шаклланиш омиллари тахлили .....	30
➤ SWOT (АЗИТ) тахлили .....	31
➤ Маркетинг стратегияси ва дастури .....	33
➤ Лойиханинг молиявий асослари.....	34
➤ Умуминвестицион харажатлар ва молиялаш манбаалари .....	35
➤ Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси .....	36
➤ Материал харажатлар сарф – харажатлари.....	37
➤ Ишчи кучи сарф харажатлари .....	39
➤ Энергия ресурслари сарф харажатлари .....	42
➤ Амортизация ажратмалари .....	45
➤ Ялпи харажатлар ҳисоби .....	46
➤ Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоби .....	48
➤ Пул оқими ва дисконтланган пул оқими .....	49
➤ Хулоса.....	50
➤ Фойдаланилган адабиётлар .....	51

## ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ

Ушбу бизнес режа «\_\_\_\_\_» қўшма корхонаси буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йулга куйилиши режалаштирилаётган лойиханинг молиявий–иктисодий, ташкилий ва маркетинг тахлилларини ўз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар «\_\_\_\_\_» қўшма корхонаси раҳбари ва унинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат «\_\_\_\_\_» қўшма корхонасининг мулки хисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошка шахсларга ошкор этиш муассаса раҳбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни корхона раҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошка шахсларга сотиш ёки такдим этиш, нусха кучириш ёки ошкор этиш катъиян маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юкоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир саклаш, таркатмаслик ва маълумот эгаси – ««\_\_\_\_\_» қўшма корхонаси раҳбарининг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

## ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

---

**ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ:** “\_\_\_\_\_” ҚК

**ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:** Молиявий тизимида чет эл инвестицияси хисобидан тугридан-тугри киритиладиган маблаглар

**ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ:** кўшма корхона

**МУАССАСАНИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАКАМИ:** \_\_\_\_\_ 20\_\_\_\_ йил, Реестрдаги тартиб раками № \_\_\_\_\_, Гувохнома № \_\_\_\_\_ Асос: \_\_\_\_\_ шаҳар Давлат хизматлари марказининг гувохномаси

**МУАССАСАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:** \_\_\_\_\_ вилояти,  
\_\_\_\_\_ шаҳар

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:** АТБ “\_\_\_\_\_ банк” \_\_\_\_\_ филиали х.р 20208000  
МФО 00\_\_\_\_\_, СТИР (ИНН): \_\_\_\_\_, Тармок коди (ОКОНХ): \_\_\_\_\_

### ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ:

- ✓ Лойиха суммаси: **1 700 000 АҚШ доллари**
- ✓ Чет эл инвестицияси: **1 700 000 АҚШ доллари**
- ✓ Ўртача йиллик ялпи тушум: **13 790 667 АҚШ доллари**
- ✓ Ўртача йиллик даромад: **4 585 128 АҚШ доллари**
- ✓ Йиллик уртача соф фойда микдори – **4 000 000 АҚШ доллари**
- ✓ Лойиханинг соф фойда хисобидан реал окланиш муддати= **36 ой**
- ✓ Лойиханинг уртача рентабеллик даражаси = **49,8 %**
- ✓ Лойиханинг уртача соф рентабеллик даражаси = **43,4 %**
- ✓ Яратиладиган ишчи уринлари сони: **20 та**

## БИЗНЕС ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ

### КИРИШ

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши аксарият ҳолатларда миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор муҳитини шакллантиришга қаратилиши муқаррардир.

Яқин келажакда мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётини ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланиш даражасига етказиб олишни мақсад қилган Ўзбекистон учун Республиканинг инвестицион жозибадорлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларини ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар асносида кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция ресурсларини ўз вақтида миллий иқтисодиётларига жалб қилиш имконияти бўлмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича дунё мамлакатлари даражасидан анча орқага қолиб кетишига олиб келади. Мазкур ҳолатнинг ечими, молиявий маблағлар ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига жалб қилиш ҳисобланади.

Инвестициялар ёрдамида қандай вазифаларни ечиш мумкин?

**Биринчидан**, ички бозорда талабгор бўлган - импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни қуриш, янги иш ўринларини шакллантириш имконини беради.

Иккинчидан, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналар ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва истиқболли ривожланишни таъмин этувчи омил - миллий корхоналарнинг хусусий капитал ҳажмини тўлдиради.

Учинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш амалга ошади ва миллий саноат ишлаб чиқаришига янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади ва натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди.

Тўртинчидан, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилади.

Бешинчидан, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви амалга ошади.

Демак, инвестициялар, хоҳ у макро (миллий иқтисодиёт) даражасида, хоҳ микро (корхоналар миқёсида) даражада бўлсин иқтисодий ўсишни таъмин этувчи муҳим омил экан, миллий ишлаб чиқарувчи субъектлар уларни жалб этиш учун нима қилишлари лозим деган савол туғилади.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароитлар борми – деган ўринли саволлар туғилади. Албатта мавжуд.

Хусусан:

- ✓ мамлакатдаги сиёсий барқарорлик;
- ✓ хусусий мулк ва рақобатни ҳимоялайдиган қонунчилик базасининг шаклланганлиги;
- ✓ инвестиция жараёнини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилганлиги;
- ✓ мамлакатнинг қулай георафик жойлашуви;
- ✓ агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юқорилиги ва мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бойлиги;
- ✓ юқори малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;
- ✓ савдо учун ички бозор ҳажмининг етарли даражада кенглиги.

Хорижий инвесторлар учун берилган имтиёзлар ва молиявий-иқтисодий рағбатлантириш тизими, инвестициявий жозибадорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Булар эса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳасида, хусусан, экспорт салоҳияти юқори бўлган саноат тармоғига йўналтирилишини таъминлайди.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ички иқтисодиётида шаклланган жамғарма маблағларининг миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми ва истеъмол даражасига боғлиқдир. Хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустриал давлатлар, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси 10 % дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 % ни ташкил этган бўлиб, уларнинг сезиларли даражадаги ҳажми ички инвестициялар улушига тўғри келган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур даврда мамлакат фуқароларидан бошлаб, то миллий иқтисодий субъекларнинг барчаси “белбоғни бироз тортиб боғлаб” иш тутишни лозим топишган, яъни, истеъмол қилиш ҳажмини камайтиришган ва жамғармалар салмоғини оширилишига ўз ҳиссаларини кўшишган.

Кўриниб турибдики, ички инвестиция маблағларини миллий иқтисодиётга янада жадал жалб қилиш, мамлакатимизда мавжуд капитал ресурсларни иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ босқични босиб ўтишни тақозо этади, яъни, бирмунча вақтни талаб қилади.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажмини оширишда ички инвестицияларга альтернатив омил, бу фақат хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари ҳисобланади.

Шундай экан, бугунги кунда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш билан боғлиқ мавжуд барча ресурс ва захираларни ўрганиш ва қайтадан кўриб чиқиш, чет эл капиталини миллий корхоналарга жалб қилиш механизмини такомиллаштириш борасида иш олиб бориш лозим бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, миллий иқтисодиётга йўналтирилган ички ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ортишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

## **ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ**

---

Лойихани амалга ошириш:

I-босқич: 2021 йилнинг апрель ойида ишга туширилиб, ушбу босқичда **1700,0 минг АҚШ** доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, 100 нафар янги иш ўринлари яратилади.

II-босқич: 2021 йилнинг апрель ойида ишга туширилиб, ушбу босқичда \_\_\_\_\_,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилади. Ушбу босқичда янги \_\_\_\_\_ нафар янги иш ўринлари яратилади.

III-босқич: 2021 йилнинг IV-чорагида ишга туширилиб, ушбу босқичда \_\_\_\_\_,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилади. Ушбу босқичда 300 нафар янги иш ўринлари яратилади.

### **I-босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади.**

Лойихани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиханинг иқтисодий ҳисоб китоблари, техник иқтисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш. Лойиха сметасини аниқлаш. Товар моддий ресурслар сотиб олиш учун маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин зарур бўлган маҳсулотлар ва буюмлар етказиб бериш бўйича келишувлар олиб бориш. Чет эл ва маҳаллий инвесторларга ушбу лойихани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиха самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредит маблағларини ўзлаштириш.

Таъмирлаш ишлари ва инвестицияни ўзлаштириш: Вакт оралиги: 3 – 4 ойлар.

Қилинадиган ишлар: Лойихада ажратилган маблағларни ўзлаштириб кўзда тутилган барча ишларни амалга ошириш, қурилиш таъмирлаш ишларини яқунлаш, асосий воситалар, ускуналар, моддий ресурслар ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни топиш.

Иш фаолиятининг йўлга қўйиш; Қурилиш воситалари ва цемент маҳсулотлари сотишдан тушган тушумлар, даромад ва харажатларни ҳисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб, олдиндан кўзда тутилган техник иқтисодий асослов бўйича хужалик фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

## ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАКСАДИ



Лойиханинг асосий мазмуни \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ МФЙ ҳудудида фойдаланилмай бўш турган собиқ “Узрубериод” биносида чет эл инвестицияси ҳисобидан Қурилиш воситалари ва цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш, рақобатбардош маҳсулотлар афзалликларига эга бўлиш, ўзини молиявий салоҳияти ва фойдасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Лойиҳа \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ туманида ҳудудида фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш фаолиятини иқтисодий самарадорлигини изоҳлаб бериш ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун чет эл инвестиция маблағларини жалб этиш учун ишлаб чиқилди.

Ушбу бизнесни бошлаш учун асослар.

**Биринчидан**, ушбу турдаги фаолиятни ташкил этишда ҳудудида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотларга ички бозорда доимий талаб юқори эканлиги. **Иккинчидан**, ушбу маҳсулотларга қўшни давлатларда талаб ва эҳтиёж мавжуд эканлиги сабабли жаҳон бозорида барқарор ўсиб боровчи талабни мавжуд эканлиги сабабли юқори фойда олишга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Лойиҳа асосан жамиятнинг чет давлатлар ва мамлакатимиздаги харидор ва буюртмачилар талабини қондириш орқали фойда олиш, корхона маҳсулот сифатини жаҳон меъёрлари ва стандартлари даражасига етказиш, уни давр талаби ва истеъмолчилар эҳтиёжи даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этишни кўзлайди.

Стратегик жихатдан муассаса ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишни, ва лойиҳа даврида (5 йил) тулаконли тухтовсиз ишловчи комплексни яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жихатдан энг маъқул муҳитни яратишни ва ҳудуд аҳолиси учун юқори сифатли маҳсулотлари тайёрлаш базасини яратишни мақсад қилиб қўяди. Корхона ушбу мақсадларга эришиш орқали мамлакатимизда Қурилиш воситалари ва цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш ва шу муддат ичида вилоятимизда етакчи уринлардан бирини эгаллашни, истикболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини купайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида корхона олдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда йирик муассаса сифатида маҳсулотлар бозорида кўзга кўринган корхоналардан бирига айланиб, бозорнинг 10–15 % ортиқроқ улушини эгаллашни. Беш йилдан сунг эса бу кўрсаткични қўшимча инвестициялар жалб қилиш; етук ва малакали кадрлар тайёрлаб, улар тажрибасига ва инновацион технологияларни қўллаш, истеъмолчилар ва бозор талабларини мунтазам ўрганиб бориб 20-25 % гача етказишни ўз олдига истикболли режалардан бири қилиб белгилайди.



## ЛОЙИХА АСОСИГА КУЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Чет эл инвестицияси хисобидан Қурилиш воситалари ва цемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун I – боскичда **1733,5 минг АҚШ доллари узлаштирилади.** Лойиха муддати – 3 йил. Маҳсулот сотишдан тушган йиллик тушум (урта хисобда) – **13790,6 минг АҚШ доллари.** Солиқ тўловлари амалга оширилгунга қадар булган фойда (урта хисобда) – **4576,5 минг АҚШ доллари**

Ўрта хисобдаги йиллик соф фойда – **4 000 000 АҚШ доллари**

Лойиханинг тула копланиш муддати – **36 ой**

<b>Лойиха самарадорлигининг интеграл курсаткичлари</b>	
Курсаткич	Мазмуни
Лойиханинг ялпи даромаддан узини оқлаш муддати	18 ой
Лойиханинг солиқлар тулангунга қадар олинган фойдадан оқланиш муддати	24 ой
Кредит қайтарилгандан кейинги соф фойдадан оқланиш муддати	36 ой
Уртача рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати)	43,4
Лойиха даври (бир цикклик давр назарда тутилмоқда)	1 йил=12 ой
Тула оқланиш даври	3 йил

Лойиханинг умумлашган «Монте – Карло» усулидаги тахлили шуни кўрсатадики, хатто фаолият ривожининг пессемистик сценарийси барқарор кўрсаткичларга эга ва ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиханинг ўз ўзини оқлаш муддатининг лойиха давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессемистик прогнозларда (паст нархлардаги савдони назарда тутиб) юкорилиги, яъни ялпи харажатга нисбатан 50 % ортиқроқ эканлиги, нормал рентабеллик лойихани барқарор ва даромадли эканлиги асослайди. Бундан ташқари лойиханинг доимий хизмат кўрсатиш характерга эга эканлиги хисобга олсак, бу ишловчиларни доимий иш билан таъминлаш имкониятлари мавжудлиги ва лойихадаги инвестиция маблағидан бир эмас бир неча мартаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тула қайтарилишининг рисклардан холи равишда қафолатланганлиги ва фаолиятни бир марталик маҳсулот сотилишида ўзини оқлаб, фойда келтирилишини лойиханинг муваффақиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди. Бу эса уз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибадорлигини оширади.

## ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ ТАЪСИСЧИЛАРИ



Жанубий Корея ва мамлакатимизнинг “\_\_\_\_\_”  
кўшма корхонаси. Юридик манзили;  
Жамиятнинг устав фонди \_\_\_\_\_ минг сўмдан иборат  
бўлиб, таъсисчилар ўртасида қуйидагича тақсимланган.

Асосий инвесторлар:

1. Жанубий Кореянинг “\_\_\_\_\_” компанияси

### Корхонанинг 2018 йил якуни буйича баланс КУРСАТКИЧЛАРИ

минг сум

АКТИВЛАР		2017 йил	2018 йил	Ўзгариш (+.-)
1	Узок муддатли активлар	0,0	0,0	0,0
2	Жорий активлар	0,0	0,0	0,0
<b>ЖАМИ</b>		0,0	0,0	0,0
ПАССИВЛАР				
1	Уз маблаглари манбаалари	0,0	0,0	0,0
2	Узок муддатли мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0
3	Жорий мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0
<b>ЖАМИ</b>		0,0	0,0	0,0

#### Молиявий курсаткичлари

№	Курсаткич номи	2017 йил	2018 йил
1	Махсулотларни сотишдан соф тушум	0,0	0,0
2	Сотилган махсулот таннари	0,0	0,0
3	Махсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	0,0	0,0
4	Давр харажатлари	0,0	0,0
5	Асосий фаолиятнинг фойдаси	0,0	0,0
6	Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	0,0	0,0
7	Молиявий харажатлар	0,0	0,0
8	Молиявий фаолиятнинг бошка харажатлари	0,0	0,0
9	Даромад солиги тулагангунга кадар фойда	0,0	0,0
10	Солик туловлари	0,0	0,0
11	Хисобот даврининг соф фойдаси	0,0	0,0

## ЛОЙИХАНИНГ I-БОСҚИЧИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР ГРАФИГИ

**Жадвал № 1. Бажариладиган ишларни тармок жадвали**

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	2019 йил		
		Июль	Июль	Август
1	Лойиҳанинг Техник - иқтисодий асосини (ТЭО) ишлаб чиқиш			
2	Амалга ошириладиган қурилиш монтаж ишлари учун смета тайёрлаш ва тасдиқлаш			
4	Бино ажратиш учун ҳужжатларни ваколатли органларга такдим этиш			
5	Чет эл ҳамкорлар томонидан молиялаштиришни очилиши			
6	Зарур ишлаб чиқариш технологиялари олиб келиш ва ўрнатиш			
7	Лойиҳани синовдан ўтказиш			

### КОРХОНАНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ

Юқорида айтиб ўтилганидек қурилиш воситалари ишлаб чиқариш технологиясида маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимли равишда олиб борилади. Ишлаб чиқариш технологиялари маҳсулотларни 100 % сифатли чиқарилишини кафолатлайди. Маҳсулотларни кадоклаш ва транспортировка килиш жараёнида баъзи ходисаларда йукотишлар булиши мумкинлигини ҳисобга олиб йил давомида маҳсулотни 1 фоиз миқдорида йўқотиш ва яроксиз деб топилиши мумкин.

### ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБ

Мазкур фаолият тури учун хом – ашё ресурси сифати метал метал чугун материаллар ҳисобланади.

\_\_\_\_\_ вилояти ҳудуди саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Ушбу ҳудуддан \_\_\_\_\_ водийси вилоятларига келувчи барча ҳамкорлар, харидор ва буюртмачилар ўтадилар. Бу эса ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда тез сотилиш имкониятини яратади. Шу сабабли лойиҳада вилоятда фойдаланилмай бўш турган бинолардан самарали фойдаланиб, ушбу объектларга чет эл инвестиция жалб қилиш ҳисобига қурилиш воситалари ва цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи комплексни яратиш аниқ мақсад килиб қўйилган.

Бунинг яна бир долзарб сабаби ушбу турдаги айниқса ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни камлиги сабабли импорт ҳисобига олиб келинаётганлигидир.

### **ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Ушбу лойиха бўйича ишчи кучи ва ходимларга бўлган талаби 50 тани, кейинги босқичларда эса яна 50 та жами 100 тага етказиш режалаштирилган. Корхона томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши натижасида кувватларини ошириш хисобига қушимча иш уринлари яратиш имконияти тугилади. Мавжуд иш уринларини маъмурият ходимларининг сони 10 тани ташкил қилиб, қолган ходимлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда иштирок этади.

Ишчиларнинг иш вақти 8 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 18:00 гача

### **ИШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ**

Корхонада ишловчи ходимлар малакали ишчи кучи ва билим талаб қилади. Шу сабабли, ишга олинадиган ходимларга талаблар қўйилган. Жумладан: Маъмурият ходимларига қўйиладиган талаблар: олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки шунга ўхшаш соҳада маълум бир тажриба эга бўлиши, виждонийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.

Ишчи-хизматчи ходимларга қўйиладиган талаблар: энг камида ўрта-махсус маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган бўлиши ва шунга ўхшаш соҳада камида бир йил фаолият кўрсатган бўлиши керак. Булардан ташқари тартиб–интизом, ростгуйлик, инсоф ва ҳаққонийлик, маҳаллий халқ анъаналари ва удумлари билан танишлик, 2 тадан ортиқ тилни билишлиги каби сифатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Корхона томонидан кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга ҳам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун ўқув-малака амалиётлари, айни ёки ўхшаш фаолият турида амалиёт ўташ (Ўзбекистон ҳудудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кўмагида тушунтириш ва ўқитиш ишларини ташкил қилиш, ўз соҳаси бўйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириб туриш каби ишлар режалаштирилган.

### **ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ**



Юқорида таъкидлаб утилганидек ташкил этилиши мулжалланаётган корхонада барча энерготаяминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд. Таъмирлаш смета лойихасида уларга тўлиқ уланиш кўзда тутилган. Ўрта ҳисобда ичимлик сув сарфи асосан корхона ходимлари ва ишчи ходимларни ичимлик таъминоти учун

сарфланади. Бошқа мақсадларда ишлатиш учун эса сув оқова муассасалари томонидан етказиб ериладиган сувдан фойдаланиш кўзда тутилган.

Электроэнергия сарфи асосан корхонадаги мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини ва ускуналарни ҳаракатга келтиришва маъмурий бинони ёритиш учун сарфланади. Шунингдек, бинони иситиш ва ишчи ходимлар учун иссиқ оқват тайёрлаш учун табиий газ таъминотидан фойдаланилади.

Электроэнергия ва бошқа ресурслар таъминотининг зарурий микдори йилдан йилга ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ёки ускуналарни жисмонан ва маънавий эскириши ҳисобидан ошиб бориши тахмин қилиниб, ошиб бориш кўрсаткичи 0,5 га тенг (яъни 5 %) деб олинди.

Электроэнергия таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади ва №14 жадвалда ойлик ва йиллик тўловлари кўрсатиб ўтилган.

## ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

### БОЗОР ШАРОИТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган барча ислохотлар туб негизи аҳолини ижтимоий – иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Ҳозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бозор иқтисодини асосий талабидир. Корхона ўз имкониятларидан ва бозор талабларидан келиб чиққан қурилиш воситалари (юк лифти, апаловка, қурилиш стойкаси, элеватор) ва цемент ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришни режалаштирган. Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун бозор шароитини ўрганишда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўлган талабни мавжудлигини аниқлашда бир қатор изланишлар олиб боради.

#### БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ



Маблағини ўзлаштириш орқали корхона ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш билан қуйидаги талабларни қондириш режалаштирилмоқда:


-Импорт ўрнини босувчи ва бугунги кунда қурилиш пудрат ташкилотлари учун қурилиш воситалари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари учун қурилиш воситалари ишлаб чиқариш;

-Реклама асосида аҳоли, ташкилот ва муассасаларга таклиф қилиш ва буюртмачи талабини тўлақонли қондириш;


-Мижозларни талабини қондиришда имтиёзлар ва уларни рағбатлантиришни режалаштириш.


### Корхона томонидан олиб бориладиган фаолиятни зарарли таъсири тушунчаси

- 1). ➤ Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар.



- 2). ➤ Ишлаб чиқариш жараёнида корхона томонидан йўл қўйиладиган хатолар ва камчиликлар ҳисобига зарар қўриши сабаблари.



**БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ**

- 1) \_\_\_\_\_ вилояти ва туманларидаги харидор ва буюртмачилар
- 2) Қўшни вилоятдаги харидор ва буюртмачилар
- 3) Келгусида қўшни Республикалардаги харидор ва буюртмачилари

**4. Худуддаги рақобатчилар таҳлили**

Корхона томонидан ишлаб чиқариш режалаштирилаётган лойихада рақобатчилар ўрганилганда вилоятимизда ва бошқа туманларда ушбу фаолият билан шуғулланаётган йирик корхоналар ёки тадбиркорлик субъектлари мавжуд эмслиги аниқланди.

Рақобатчилар маҳсулоти	сифат	Хусусияти	Самарадорлиги	Қулайлиги	Савдо шартлари	.....
Қурилиш маҳсулотлари	ўрта		Мақбул нарх		Чакана	
Қурилиш воситалари	Юқори		Нисбатан арзон		Улгуржи	

**Маркетинг мажмуи «4р»**


<b>Produkt-Маҳсулот</b> Сифатли ва қулай нархдаги қурилиш воситалари ва цемент маҳсулотлари	<b>Price-нарх</b> Нарх қўйиш тамойили мижозларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади.
<b>Place-Жой</b> Бизнес худуд- _____ вилояти худудида ўз фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан қўшни вилоят ва туманлар ҳамда Тошкент шаҳри бўйлаб маҳсулот етказиб бериш ва экспортга чиқариш имконияти мавжуд.	<b>Promotion- Харакатланиш</b> Ўз пештахта, афишалар, телевидения орқали реклама ва Ўзбекистон савдо саноат палатасининг расмий веб сайтидан ва «Yellow pegas» каталогли журналларидан ҳамда <a href="http://www.alibaba.com">www.alibaba.com</a> глобал тармоги орқали харидорларни жалб этади.

## Маркетинг матрицаси

№	Мазмуни	Сегмент 1	Сегмент 2	Сегмент 3
1	Мижозлар тавсифи	Вилютимиздаги харидор ва буюртмачилар	Кушни вилюят ва туманларидаги харидорлар	МДХ Давлатлари (Қирғизистон, Тожикистон)
2	Истеъмол хажми	60 %	30 %	10 %
3	Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	вилюяти	Фарғона водийси вилюятлари	Қирғизистон, Тожикистон
4	Махсулотга талабнинг камайиши, купайиши ёки барқарорлиги	Кўпаяди	Кўпаяди	Кўпаяди
5	Махсулотни харид қилиш қобилияти	Юқори	Ўрта	Юқори
6	Махсулотни истеъмолчиларга жалб этиш	Мақбул нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат

## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРХ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### 2- График. Талаб ва таклиф мутаносиблиги.



#### Шартли белгилар:

- $Q$  – Бозорга олиб чиқилган махсулот
- $P$  – Сотилган махсулот нархи
- $T_b$  – махсулотга бўлган потенциал талаб
- $T_f$  – махсулотнинг потенциал таклифи
- $O$  – Талаб ва таклифнинг оптимал ҳолати (нарх ва махсулот миқдорининг оптимал кесилиш нуктаси)
- $B$  – бугунги кундаги паррандачилик бозоридаги юқори нарх ва махсулот миқдорининг камлигини изоҳловчи нукта
- $dQ$  – этишмайётган махсулот миқдори



## ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида маҳсулот сотиб олувчилар тўлов қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу хизматлар эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамадан чет Давлатларда қатта потенциал талаб мавжуд.

### SWOT ТАХЛИЛ

<p><b>S Кучли томонлар</b> Илгари шу фаолият билан шугулланилган++ Бизнес учун жуда қулай ҳудудда жойлашган+ Маҳсулотга бўлган талабнинг мавжудлиги ++ Қисман зарурий техникаларнинг мавжудлиги+</p>	<p><b>W –Кучсиз томонлар</b> -Кучли брендга эга эмаслиги++</p>	<p>Кучли томонлар 6 та Кучси томонлар 2 та <b>S&gt;W</b></p>
		<p>++S 2 та ++W 1 та</p>
		<p>++S&gt;++W</p>
<p><b>Q Имкониятлар</b> Чиқарилаётган Қарор ва Фармонларда хизмат кўрсатишга эътиборнинг ортиб бориши++ Маҳсулот турини кенгайтириш+ Муассаса ЎзССП аъзоси эканлиги++</p>	<p><b>T-Тусиклар</b> -Кучли рақобатчиларнинг пайдо бўлиши+ -Тўлов қобилиятини номуайянлиги++</p>	<p>Имкониятлар 5 та Тусиклар 3 та <b>Q&gt;T</b></p>
		<p>++O 2 та ++T 1 та</p>
		<p>++O&gt;++T</p>

Қорхона томонидан вилоятимиздаги талаб ва эҳтиёжлари урганлиди. Натижада вилоятимиз ва қўшни Давлатларда ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган талабнинг юқори эканлиги аниқланди. Лойиҳанинг 70 % дан юқори қисми ички бозорда сотилиши учун харидор ва буюртмачилар етарли эканлиги сабабли экспортга йуналтирилганлиги сабабли лойиҳа тулалигича ўзини – ўзи қоплаши юқоридаги жадвал асосида кўрсатиб берилган. Лойиҳанинг кучли томонлари 6 тани кучсиз томонлари 2 тани, Имкониятлари 5 тани, тусиклари эса 3 тани ташкил қилиши лойиҳа долзарб эканлигини тасдиқлайди.

## МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда қорхона ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича харидор ва буюртмачиларни жалб қилишни ташкил этиш масалалари қуриб чиқилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотилишида маркетингни муваффақиятли ташкил этиш учун қорхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар тўлов миқдори юқори бўлмаса) режалаштирилган. Ундан ташқари \_\_\_\_\_ вилоятида турли реклама акциялар ўтказиш ва харидорлар диққатини жалб этиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг асосий сабаби бу ишлар қорхона фойдаси ҳисобидан амалга оширилади. Ҳамкорлик асосида қорхонанинг фойдаланилмаётган қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ётади.

Рекламар уюштириш дастурида **10 000** дона таркатма материаллар ишлаб чиқиш ва таркатиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, булардан ташқари яна 10 000 000 сўм маблағ самарали ва қулай реклама турларига сарфланиши мумкин.

### ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

4-жадвал. Лойиха тугрисида қисқача маълумот

Лойиханинг номланиши	Қурилишда ишлатиладиган ёрдамчи воситалар (юк лифти, апаловка, қурилиш стойкаси, элеватор) ва цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш
Лойиха мақсади	Ишлаб чиқариш ускуналари ва технологиялари сотиб олиш
Лойиха қувватлари (100%)	
Лойиха суммаси (сум)	<b>1 733 575 АҚШ доллари</b>
Лойиха иштирок этадиган шахсий инвестиция	<b>33 575 АҚШ доллари</b>
Чет эл инвестиция маблағлари	<b>1 700 000 АҚШ доллари</b>
Лойихада режалаштирилаётган уртача йиллик соф фойда	933 193 АҚШ доллари
Лойиха муддати	5 йил
Лойихани режалаштириш санаси	2019 йилнинг IV – чораги
Лойиха ташаббускори	Жанубий Корея Республикасининг., компанияси
Лойиха ташаббускорининг манзили:	
Лойиха ташаббускорининг телефон рақами	

**УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ  
МАНБААЛАРИ**

**Жадвал № 5. Маблагларининг сарфланиши ва молиявий харажатлар**

АҚШ доллари

№	Технологиялар номи	Сони	Наҳи	Инвестиция киймати
<b>Қурилиш воситалари ишлаб чиқариш учун</b>				
1	Юк лифти	3	15 000	45 000
2	Кран минора	2	200 000	400000
3	Пресс	2	4 000	8 000
4	Пресс	3	3 000	9 000
5	Пресс	2	1 500	3 000
6	Пайвандлаш ускунаси	5	3 800	19 000
7	Қисқа шлифовка	1	80 000	80 000
8	Чанг тўплагич	1	30 000	30 000
9	Бўяш ускунаси	1	65 000	65 000
10	Конвейер	1	43 000	43 000
11	Тушириш тизими	1	3 000	3 000
12	Арматура эгиш ускунаси	2	5 500	11 000
13	Арматура кесиш ускунаси	2	2 500	5 000
14	Арматура кесиш ускунаси	1	4 000	4 000
15	Тасма арра	1	35 000	35 000
16	Пресс форма	5	3 000	15 000
17	Пресс форма	2	1 500	3 000
18	Пресс форма	3	2 800	8 400
19	Экскаватор	2	85 000	170 000
20	Насос машинаси	1	120 000	120 000
21	Юк кўтаргич	1	85 000	85 000
22	Кран балкали	3	6 500	19 500
23	Автокран	1	93 000	93 000
	<b>Жами</b>			<b>1 273 900</b>
<b>Цемент ишлаб чиқариш учун</b>				
1	Юк машинаси	5		
2	Аралаштиргич	1		
3	Дробилка	1		
4	Сортировкалаш ускунаси	1		
5	Конвейер	1		
6	Погрузчик	1		
	<b>Жами</b>			<b>426 100</b>
	<b>Умумийси</b>			<b>1 700 000</b>

Корхонани умумий ер майдони **30 000 м.квни** ташкил этиб, шундан **15 000 м.кв** майдон ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини ташкил этади.

Ушбу объект бир неча зоналарга ажратилади.

- ❖ Хом ашё ва материалларни саклаш оибори;
- ❖ Хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш цехи
- ❖ Ишлаб чиқариш цехлари
- ❖ Матоларни буяш цехи
- ❖ Маҳсулотларни қадоқлаш цехи;
- ❖ Маҳсулотларни саклаш омбори;
- ❖ Юклаб жўнатиш жойи
- ❖ Дам олиш хонаси

Юқоридаги барча ишлаб чиқариш бъектлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим;

- ❖ деворлар бўялган ва полга ёғоч паркетлар ётқизилган бўлиши;
- ❖ иситиш системаси;
- ❖ ҳаво яхши айланиши (вентиляция);
- ❖ электр энергия таъминоти;
- ❖ канализация;
- ❖ водопровод;
- ❖ корхона ички йўллари асфальтланган бўлиши;

**Ташкил этилиши режалаштрилган ишлаб чиқариш корхонаси**  
**биносининг намунавий**  
**КУРИНИШИ** (*Бинони проекти қўйилади*)

**В. Инвестиция маблагларни сарфлаш**

АКШ доллари

Гаров характериситакси		%	Жами киймати	Инвестиция маблаглари киймати
Номи	Мулк эгаси	100 %	1 700 000	1 700 000
Корхона балансидаги нотурар бино ва иншоатлар	Жанубий Кореянинг нинг., Ltd			

**С. Мол-мулкларни руйхатдан утказиш ва сугурта харажатлари**

АКШ доллари

Харажатлар номи	Тўлов миқдори	Жами тўлов миқдори
<b>Д. Инвестицион фаолият олди молиявий харажатлари</b>		
<b>Молиявий харажат тури</b>	<b>%</b>	<b>\$</b>
Руйхатга олиш тулови (нотариус)	0,15%	2550
Сугурта мукофоти	0,3 %	5100
Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	0,025	425
Ускуналарни олиб келиш ва урнатиш харажатлари	1 %	17 000
Кузда тутилмаган бошка харажатлар	0,5%	8500
<b>ЖАМИ</b>	<b>X</b>	<b>33 575</b>

**Жадвал № 8. Умуминвестицион харажатлар ва молиялаштириш манбаалари**

№	Курсаткичларнинг номланиши	Чет эл инвестицияси	Улуши
1	Технологик ишлаб чиқариш ускуналари	1 273 900	73,5
2	Цемент заводи қуриш учун	426 100	24,6
3	Руйхатга олиш тулови (нотариус)	2550	0,1
4	Сугурта мукофоти	5100	0,3
5	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	425	0,0
6	Ускуналарни олиб келиш ва урнатиш харажатлари	17 000	1,0
7	Кузда тутилмаган бошка харажатлар	8500	0,5
<b>Жами лойиханинг бошлангич киймати</b>		<b>1 733 575</b>	<b>100 %</b>

**В. Молиялаштириш манбаалари**

АКШ доллари

№	Курсаткичлар номи	Махаллий таъсисчилар хисобидан	Чет эл инвестицияси	Жами киймати
1	Технологик ишлаб чиқариш ускуналари	0,0	1 273 900	1 273 900
2	Цемент заводи намоёиши учун	0,0	426 100	426 100
3	Руйхатга олиш тулови (нотариус)	2550	0,0	2550
4	Сугурта харажатлари	5100	0,0	5100
5	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	425	0,0	425
6	Ускуналарни олиб келиш ва урнатиш харажатлари	17 000	0,0	17 000
7	Кузда тугилмаган бошқа харажатлар	8500	0,0	8500
<b>ЖАМИ</b>		<b>33 575</b>	<b>1 700 000</b>	<b>1 733 575</b>
<b>ДОЛЯ ВКЛАДА В ПРОЦЕНТАХ</b>		<b>0,0</b>	<b>100 %</b>	<b>100 %</b>

**С. Жами молиялаштириш ва манбаалар**

№	Номланиши	Местная валюта (тыс. сум)	Твердая валюта (USD)	Структура %
<b>ВСЕГО ФИНАНСИРОВАНИЕ</b>		<b>14 562 000</b>	<b>1 733 575</b>	<b>100%</b>

Жадвал № 13. Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми

дона

№	Номи	1- йил	2- йил	3- йил	Жами
1	Апаловка	50 000	90 000	120 000	260 000
2	Қурилиш стойкаси	20 000	50 000	70 000	140 000
3	Юк лифти	10	30	50	90
4	Башня кран	1	1	1	3
5	Элеватор		3	5	8
6	Бошқа материаллар	1 500 000	2 000 000	3 000 000	6 500 000

Жадвал № 13. Ишлаб чиқарилган қурилиш воситалари (апаловка, қурилиш стойкаси, юк лифти, башня ва бошқалар) ҚИЙМАТИ

АҚШ долари

№	Номи	Сотиш нархи	1- йил	2- йил	3- йил	Жами
1	Апаловка	17,8	890 000	1 602 000	2 136 000	4 628 000
2	Қурилиш стойкаси	17,1	342 000	855 000	1 197 000	2 394 000
3	Юк лифти	15 000,0	150 000	450 000	750 000	1 350 000
4	Башня кран	200 000,0	100 000	200 000	200 000	500 000
5	Элеватор					0
6	Бошқа материаллар	5,0	7 500 000	10 000 000	15 000 000	32 500 000
	<b>Жами</b>		<b>8 982 000</b>	<b>13 107 000</b>	<b>19 283 000</b>	<b>41 372 000</b>

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАТЕРИАЛ ХАРАЖАТЛАР  
ТАРКИБИ**

**Жадвал № 15. Ишлаб чиқарилган бирлик маҳсулот таннархи калькуляцияси**

АҚШ долари

№	Номи	Бирлик таннархи	1- йил	2- йил	3- йил	Жами
1	Апаловка	10,7	534 000	961 200	1 281 600	2 776 800
2	Қурилиш стойкаси	10,3	205 200	513 000	718 200	1 436 400
3	Юк лифти	9 000,0	90 000	270 000	450 000	810 000
4	Башня кран	120 000,0	60 000	120 000	120 000	300 000
5	Элеватор	0,0	0	0	0	0
6	Бошқа материаллар	3,0	4 500 000	6 000 000	9 000 000	19 500 000
	<b>Жами</b>		<b>5 389 200</b>	<b>7 864 200</b>	<b>11 569 800</b>	<b>24 823 200</b>



## ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

## Жадвал № 25. Штатлар жадвали ва йиллик иш хаки фонди

АҚШ доллари

№	Штат номи	Штат бирлиги	Ойлик иш хаки	Ижтимоий сугурта ажратмалари 12 %	Жами ойлик иш хаки	Жами йиллик иш хаки
<b>Бошқарув персоналии</b>						
1	Директор	1	300	36	1 559	18 708
2	Бухгалтер	1	280	34	1 380	16 560
	<b>Жами</b>	<b>2</b>	<b>580</b>	<b>70</b>	<b>2 939</b>	<b>35 268</b>
<b>Асосий ишлаб чиқаришда</b>						
1	Мастерлар	2	250	30	560	6 720
2	Хом ашё тайёрловчилар	2	230	27,6	515	6 182
3	Ишлаб чиқарувчилар	2	230	27,6	515	6 182
4	Бутловчилар	2	230	27,6	515	6 182
5	Синовдан утказувчи	2	230	27,6	515	6 182
6	Кадокловчилар	2	230	27,6	515	6 182
	<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>1 400</b>	<b>168</b>	<b>3 136</b>	<b>37 632</b>
<b>Ёрдамчи ишлаб чиқаришда</b>						
1	Махсулот юкловчи ва ташувчилар	2	175	21	392	4 704
2	Шофёрлар	1	170	20,4	190	2 285
3	Фаррош	1	120	14,4	134	1 613
4	Назоратчилар	1	100	12	112	1 344
	<b>Жами</b>	<b>5</b>	<b>565</b>	<b>68</b>	<b>829</b>	<b>9 946</b>
	<b>Умумий</b>	<b>19</b>	<b>2 545</b>	<b>305</b>	<b>6 904</b>	<b>82 846</b>

## Жадвал № 24а. Иш хаки фондининг йилдан йилга ўсиб бориши

минг сум

№	Номланиши	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Бошқарув аппарати ходимлари иш хаки	6 960	7 656	8 352	22 968
	<i>Бошқарув ходимлари иш хакидан ажратма 12 %</i>	<i>835</i>	<i>919</i>	<i>1 002</i>	<i>2 756</i>
2	Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар	16 800	18 480	20 160	55 440
	<i>Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар иш хакидан 12 % ажратма</i>	<i>2 016</i>	<i>2 218</i>	<i>2 419</i>	<i>6 653</i>
3	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар	6 780	7 458	8 136	22 374
	<i>Ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар иш хакидан 12 % ажратма</i>	<i>814</i>	<i>895</i>	<i>976</i>	<i>2 685</i>
4	<b>Жами иш хаки учун амалга оширилган харажатлар</b>	<b>30 540</b>	<b>33 594</b>	<b>36 648</b>	<b>100 782</b>
	<i>Иш хакидан жами ажратмалар 12 %</i>	<i>3 665</i>	<i>4 031</i>	<i>4 398</i>	<i>12 094</i>
	<b>ЖАМИ ИШ ХАКИ</b>	<b>34 205</b>	<b>37 625</b>	<b>41 046</b>	<b>112 876</b>

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

## Жадвал № 25. Коммунал харажатлар

АҚШ доллари

№	Харажат тури	Кунлик сарфи	Нархи	Кунлик харажат	Шу жумладан йиллар бўйича				Жами
					1-ойда	1-йил	2-йил	3-йил	
1	Электр энергияси кВт/соат	4000	0,032	128,0	3 328,0	39 936,0	41 932,8	43 130,9	124 999,7
2	Табий газ (м.куб)	8000	0,038	304,0	7 904,0	94 848,0	99 590,4	102 435,8	296 874,2
3	Ичимлик суви (м.куб)	800	0,18	144,0	3 744,0	44 928,0	47 174,4	48 522,2	140 624,6
	<b>Жами</b>			<b>576,0</b>	<b>14 976,0</b>	<b>179 712,0</b>	<b>188 697,6</b>	<b>194 089,0</b>	<b>562 498,6</b>

**АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ**  
**Жадвал № 26. Амортизация ажратмалари ҳисоби**

АҚШ доллари

№	Амортизация объекти	Асосий воситалар қиймати	Амортизация ставкаси	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
<b>Мавжуд асосий воситалар</b>							
1	Бино ва иншоатлар қиймати	426 100	5%	21 305	20 240	19 228	60 773
2	Ишлаб чиқариш ускуналари ва технологиялар қиймати	1 273 900	10%	127 390	114 651	103 186	345 227
	<b>Жами</b>	<b>1 700 000</b>		<b>148 695</b>	<b>134 891</b>	<b>122 414</b>	<b>405 999</b>

### ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ

Жадвал № 27. Ялпи хизмат кўрсатиш харажатлари (таннарх калькуляцияси)

АҚШ доллари

№	Харажат турлари	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хом ашё ва материал харажатлар	5 389 200	7 864 200	11 569 800	24 823 200
2	Асосий ишлаб чиқаришдаги ишловчилар иш хаки харажатлари	16 800	18 480	20 160	55 440
3	Иш хакидан ижтимоий тулов ажратмалари	2 016	2 218	2 419	6 653
4	Коммунал харажатлар (электр, газ ва сув)	179 712	188 698	194 089	562 499
5	Транспорт харажатлари	323 352	471 852	694 188	1 489 392
6	Амортизация ажратмалари	148 695	134 891	122 414	405 999
7	Бошка харажатлар	60 598	86 803	126 031	273 432
	<b>Жами маҳсулот таннархи</b>	<b>6 120 373</b>	<b>8 767 141</b>	<b>12 729 101</b>	<b>27 616 615</b>

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ХИСОБ-КИТОБИ

## Жадвал № 29. Даромадлар хисоби


АҚШ доллари

№	Номланиши	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Маҳсулот ишлаб чиқаришдан жами тушум	8 982 000	13 107 000	19 283 000	41 372 000
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	6 120 373	8 767 141	12 729 101	27 616 615
<b>3</b>	<b>Ялпи даромад</b>	<b>2 861 627</b>	<b>4 339 859</b>	<b>6 553 899</b>	<b>13 755 385</b>
4	Бошқарувда ходимлари иш хаки	6 960	7 656	8 352	22 968
2	Бошқарув ходимлари иш хаки ажратма 12%	835	919	1 002	2 756
<b>3</b>	<b>Солиқлар тулангунга қадар олинган фойда</b>	<b>2 853 832</b>	<b>4 331 284</b>	<b>6 544 545</b>	<b>13 729 661</b>
4	Солиқ тўловлари 12%	342 460	519 754	785 345	1 647 559
5	Банк хизмати туловлари (0,2 % тушумдан)	17 964	26 214	38 566	82 744
<b>7</b>	<b>Соф фойда</b>	<b>2 493 408</b>	<b>3 785 316</b>	<b>5 720 634</b>	<b>11 999 358</b>
<b>8</b>	<b>Инвестиция маблағларини қайтарилиши</b>	<b>577 667</b>	<b>577 667</b>	<b>577 667</b>	<b>1 733 001</b>
9	Рентабеллик % (3/2)	46,8	49,5	51,5	49,8
10	Соф рентабеллик % (7/2)	40,7	43,2	44,9	43,4

**ПУЛ ОКИМИ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ ОҚИМИ**

АҚШ доллари

№	КЎРСАТГИЧЛАР	Шу жумладан йиллар бўйича			Жами
		1-йил	2-йил	3-йил	
<b>I</b>	<b>Хисоб рақамига жами тушум</b>	8 982 000	13 107 000	19 283 000	41 372 000
II	Хисоб рақамидан харажат				
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган материал харажатлар	5 389 200	7 864 200	11 569 800	24 823 200
2	Иш ҳақи тўловлари	30 540	33 594	36 648	100 782
3	Ижтимоий ажратмалар учун 12 %	3 665	4 031	4 398	12 094
4	Коммунал тўловлари учун	179 712	188 697	194 089	562 498
5	Транспорт харажатлари учун	323 352	471 852	694 188	1 489 392
6	Амортизация 5%	148 695	134 891	122 414	405 999
7	Бошқа харажатлар	60 598	86 803	126 031	273 432
8	Солиқ тўловлари -12%	342 460	519 754	785 345	1 647 559
9	Банк хизматлари учун	17 964	26 214	38 566	82 744
10	Доллар хисобида \$	577 667	577 667	577 667	1 733 001





## ХУЛОСА

---

Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиҳа рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда 49,8 % ни ташкил қилмоқда. Шу ўринда ялпи харажатларга нисбатан соф рентабеллик ўрта ҳисобда 43,4 % ни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари лойиҳанинг реал қопланиш муддати ялпи фойда ҳисобидан 18 ойни ташкил қилади. Реал қопланиш муддатининг лойиҳа давомийлик давридан камлиги лойиҳанинг молиявий–иқтисодий жозибадорлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиҳанинг барча турдаги инқирозлар ва рискларга чидамли эканлигини кўрсатмоқда. Ундан ташқари лойиҳанинг дастлабки даврида **20 та** иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, кейинчалик янги иш ўринлари сони **100 тага** етказилади. Лойиҳа даврида олиниши мумкин бўлган **11 999,0** минг **АҚШ** доллар миқдоридagi фойда ҳисобидан сарфланган инвестиция маблағлари тўлиқ қопланишига эришилади фаолиятини кенгайтириш ва бошқа фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиҳа тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва инвестиция маблағларини ўз вақтида қайтарилиши ва мўлжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва фойдаланмай бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш имконини яратади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб–китобларни ўрганиб чиқиб, **Тўрақўрғон тумани ҳудудидадан қурилиш воситалари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш мақсадида чет эл инвестицияси ҳисобидан 1700 000 АҚШ доллари** миқдоридa инвестиция киритишга қарор қилинди ва бу инвестицияни мақсадли сарфланиши бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

«\_\_\_\_\_» ҚҚ  
раҳбари

\_\_\_\_\_

---

**Фойдаланилган адабиётлар**

---

1. *Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни*
  2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 17 августдаги қарори*
  3. *“Ўзбек-Хитой савдо уйи” нинг ишлаб чиқариш технолгиялари тўғрисидаги каталоги*
-